

5. Решетень И.Н., Каргополов Б.Г. Проблема моделей личности, деятельности и подготовки специалиста по физической культуре и спорту //Теория и практика физической культуры. №11. 1982.

6. Туманян Г.С. Совершенствование системы физкультурного образования. // Метод.рекомендации. - М.: ГЦОЛИФК, 1987.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқув жараёнини жисмоний тарбия мутахассиси фаолиятининг структура моделини тузиш йўли орқали такомиллаштириш, шунингдек, ҳар хил спорт турларининг педагогик маҳоратни шакллантиришга бўлган таъсири масалалари ўрганилади.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о совершенствовании учебного процесса специалистом физического воспитания путём построения структурной модели деятельности, а также рассматриваются вопросы влияния различных видов спорта на основе педагогического мастерства специалиста.

SUMMARY

The article deals with the study of improvement of the educational process by the specialist of physical education by building a structural model of activity, as well as the study of the influence of various kinds of sports on pedagogical skill of the specialist.

ВОЛЕЙБОЛ СПЕЦИФИКАСИ ВА ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛАРИ

О.Э.Худайберганов – катта ўқитувчи

Ургенч давлат университети

Таянч сўзлар: касбий фаолият, тайёргарлик модели, конструктив фаолият, коммуникатив (алоқа) фаолияти, ҳаракат фаолияти, жисмоний тарбия.

Ключевые слова: профессиональная деятельность, модель подготовки, конструктивная деятельность, коммуникативная деятельность, активная деятельность, физическое воспитание.

Key words: professional activity, training model, constructive activity, communication activity, active activity, physical education.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислохотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масаласи бош вазифа қилиб қўйилган [1].

Бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий-педагогик тайёргарлиги олий ўқув юртларидаги бутун ўқиш даври давомида улар томонидан комплекс фанлар ва мутахассислик тайёргарлигини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилади. Ана шу фанлар муҳим роль ўйнайди, ваҳоланки, профессионализм шаклланиши учун зарур бўлган билим ва маҳорат ўз ифодасини ўшаларда топади (А.Н.Абдиев,2004; А.Я.Корх, 2000; И.Н.Решетень, 1981; Р.С.Саламов, 2004 ; М.И.Сидиков, 1989; Ф.К.Турдиев, 2002). Бу масалада педагогик олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетларида “Педагогик жисмоний тарбия-спорт ривожланиши (такомиллашуви)” деган фан етакчи вазифани бажаради [2, 3].

Бундай тайёргарлиқнинг йўналишларидан бири сифатида волейбол спецификаси ва воситаларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқот мақсади. Бўлғуси мутахассисларнинг профессионал маҳоратини шакллантириш, самарадорлигини ошириш йўллари волейбол воситаларини такомиллаштириш жараёнида аниқлаш.

Тадқиқот вазифаси.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал маҳорати шаклланишига волейбол машғулоти таъсирини аниқлаш

Тадқиқот методлари. Илмий методик адабиётлардаги маълумотларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ҳужжатли материаллар таҳлили, сўровнома ва анкеталаш, математик статистика методлари.

Ўқитувчининг профессионал тайёргарлиги умумилмий ва махсус билим, кўникма ва малака комплекси билан белгиланади. Ушбу мезонлар ўқитувчининг иш олиб бориш шароити ва ўзига хос табиати билан тавсифланади. Педагогик фаолият соҳасидаги муваффақиятлар ўқитувчининг шахсий хусусиятларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади.

Муайян касбий маҳоратни ишлаб чиқиш учун волейбол машғулоти имкониятларини тадқиқ қилиш волейболни ўргатишга бўлган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатиб берди. Таълим шароитлари, биринчидан, яхлит талабалар спорти хусусиятлари билан, иккинчидан, талабаларнинг бўлғуси касбий-педагогик маҳорати билан аниқланди.

Олий ўқув юрти шароитида бошловчи волейболчиларни тайёрлаш методлари спорт тўғрақларидаги волейболчиларни тайёрлашдан тубдан фарқ қилиши керак.

Қайд этиш лозимки, жисмоний тарбия курси бўйича дастурга киритилган волейбол машғулоти ўз олдига волейболчи-спортчилар тайёрлашни мақсад қилиб қўя олмайди. Шундай экан, машғулоти ўтиш методикаси умумий жисмоний тайёргарликка йўналтирилган бўлиши зарур. Жисмоний тарбия факультети талабаларининг умумий жисмоний тайёргарлик вақти умумий машғулоти вақтининг тахминан 25 % ни ташкил қилиши лозим.

Педагогика олий ўқув юрти талабаларига волейбол ўргатиш методикасини ишлаб чиқаришда ўқитувчилар олдида қуйидаги вазифаларни қўядиган дастур талабларига таяниши зарур:

1) шахс ривожланишида жисмоний тарбия аҳамиятини тушуниш ва уни профессионал фаолиятга тайёрлаш;

2) жисмоний тарбиянинг илмий-амалий асосларини билиш (соғлом турмуш тарзини ҳам);

3) жисмоний тарбияга мотивацияли муносабатда бўлишни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўз-ўзини жисмоний такомиллаштириш ва тарбиялаш. Жисмоний машқлар ва спорт билан мунтазам шуғулланиш эҳтиёжини юзага келтиради;

4) соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашни, руҳий осойишталикни, психофизик қобилиятни, шахснинг бошқа фазилатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, жисмоний тарбияда ўз ўрнини топишни таъминловчи амалий маҳорат ва кўникмалар тизимини эгаллаш;

5) талабанинг бўлғуси касбига психофизик тайёргарлигини белгилловчи умумий ҳамда профессионал-амалий жисмоний тайёрликни таъминлаш;

6) ҳаётини ва профессионал мақсадларга эришиш

учун маҳоратга эга бўлиш.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш жисмоний тарбия бўйича дастурга киритилган волейбол машғулотларига нисбатан фаол ижодий муносабатни шакллантиришни назарда тутди. Бундай муносабатга эса талабаларга таклиф қилинган спорт йўналишини эркин танлаш имконияти туртки бўлади. Волейбол машғулотлари ёрдамида педагогларнинг профессионал маҳоратини шакллантириш бўйича қўйилган масалалар бажарилиши учун юқорида санаб ўтилган барча шартлардан максимал фойдаланиш ўқитувчининг бош мақсади саналади.

Қайд этилган шарт-шароит ва масалалардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: умумқабул қилинган волейбол ўргатиш методикаси аксар ҳолларда замонавий талабларга жавоб бера олмайди, шунинг учун жисмоний тарбия факультетлари талабалари каби бошқа педагогика мутахассисликлари талабалари учун ҳам янги методика ишлаб чиқиш лозим.

Илмий-методик адабиётлар таҳлили асосида биз етти та гуруҳга ажратилган профессионал фазилатларни ўз ичига олган анкета ишлаб чиқдик. Бу гуруҳлар: умуминсоний, шахсий, ишга муносабат, ирода, жамоатдаги ҳулқ-атвор, интеллектуал, физиологик. Саккизинчи гуруҳга 7 та педагогик қобилият киритилди. Педагогик маҳорат 5 гуруҳга бўлинди: коммуникатив, билим, ҳаракат, конструктив, ташкилотчилик. Мазкур тасниф Н.В. Кузьмина томонидан таклиф этилган (1973) [4].

Жисмоний тарбия бўйича педагог профессионал маҳоратининг шакллантиришда волейболнинг таъсир даражасини аниқлаш учун жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги 68 нафар мутахассисни анкета сўровлари ўтказилди. Улардан 12 таси спорт устаси, 2 таси халқаро тоифадаги спорт устаси.

Ҳар бир профессионал фазилат ва педагогик маҳорат 1 дан 3 баллгача баҳоланди, сўнгра ҳар бир фазилат учун ўртача балл чиқарилди (X). Анкеталаш давомида олинган маълумотларни қайта ишлагандан сўнг муаллиф томонидан тадқиқод натижалари жадвали тузиб чиқилди [5].

Бошқа спорт турларига нисбатан кўпроқ шаклландиган волейбол воситалари деб: ирода, интеллектуал, шахсий ва психофизиологик хусусиятлар тан олинди. 100% респондентлар 1-ўринга ғалабага ишончни (3,00 балл), кейин фаоллик (2,88 балл), стресс-бардошлик (2,68 балл) ҳамда бурч ҳисси (1,44 балл) ни қўйишган.

Педагогик қобилиятнинг 1-ўрини тренер (мураббий, ўқитувчи) ва спортчининг (ўқувчи) жуда яқин ўзаро алоқалари билан изоҳлаш мумкин; бундан ташқари, спортчилар деярли ҳамиша ўз-ўзига нисбатан мураббий сифатида ҳаракат қилишади (у ёки бу даражада) [6].

Бизнинг юқоридаги ҳолатимизда интеллектуал хусусиятларга қиравчи тафаккур тиниклиги, тафаккур танглиги, тасаввур, интуиция, кашфиётчилик, қизиқувчанлик, тафаккур кенглиги спорт ўйинлари учун энг керакли унсурлар сифатида 1-ўринга чиқди.

Олинган натижалардан келиб чиқиб, волейбол воситасида профессионал хусусиятлар ва истёждодни шакл-

лантириш ва ишлаб чиқариш масалаларини бундан кейин ўрганиш учун биз қуйидагиларни танлаб олдик:

- олдиндан кўра билиш ва пайкай олиш педагогик маҳорати истёждод сифатида ўз ривожланишини бокс билан шуғулланиш давомида талаб қилади;
- интеллектуал (ақлий) сифатлар, бунда асосий эътиборни интуиция ва тасаввурга қаратамиз;
- ирода кучи; бу ерда ғалабага бўлган ишончни, қатъиятни, ўзини қўлга ола билишни кўрсатишимиз мумкин.

Психофизиологик хусусиятлар техник маҳоратни такомиллаштириш жараёнида, асосан автоматик тарзда ишлаб чиқилади, шунинг учун ҳам улар бизнинг кейинги тадқиқотларга киритилмади [7].

Педагогик маҳорат шаклланишида волейбол таъсир даражасини баҳолаш уларни қуйидаги кетма-кетликда қўйиш имконини юзага келтиради: 1- коммуникатив, 2 – гностик, 3 – ҳаракат, 4 – конструктив, 5 – ташкилотчилик.

Педагогнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича профессионал маҳоратининг шаклланишига волейболнинг таъсир даражаси

Тадқиқотлардан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидаги маҳоратларнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ қилиш нисбатан истикболли кўринади: ўқувчилар билан тўғри ўзаро муносабат ўрнатиш, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, у ёки бу жисмоний машқни тўғри кўрсатиш, маълум муддатга мўлжалланган умумий топшириқларни ташкиллаштириш ва ўқув-машқ жараёнини режалаштириш.

Шундай қилиб, мутахассислар сўровномасини таҳлил қилиш асосида қуйидагиларни қайд этишни лозим топдик:

1. Тренер (мураббийлар), мутахассислар ва тадқиқотчилар кўпчилигининг таъкидлашича, шахснинг ирода ва қатъиятини тарбиялашда спорт ўйинларининг, хусусан, волейболнинг таъсири жуда катта деган фикрлар ўз тасдиғини топди (А.Ц. Пуни, 1973).

2. Психофизиологик хусусиятларнинг биринчи ўрни спорт ўйинлари билан машғул бўлганда ишлаб чиқилмайдиган хусусиятлар билан мос келишини талаб қилмайди.

3. Бизнинг ҳолатда фикрлаш тиниклиги, тасаввур, интуиция, кашфиётчилик, қизиқувчанлик, фикрлаш кенглиги қабиларни ўз ичига оладиган интеллектуал хусусиятлар волейбол учун энг зарур унсурлар сифатида 1-ўринга чиқди. Қайд этиш жоизки, волейболчининг тактик маҳорати асосида фикрлаш ва интеллектуал имкониятлар ётади, тактик фикрлашнинг энг муҳим қисми эса интуиция ва тасаввур саналади (Б.Ф. Ломов, Е.Н. Сурков, 1980).

Ўқувчилар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйиш фаолиятини танқидий таҳлил қила олиши, бирор жисмоний машқни тўғри кўрсатиб бера олиш маҳорати, маълум муддатга умумий вазибалар туза олиш ва ўқув-машқ жараёнини режалаштириш жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал фаолиятида мўлжалдаги натижаларга эришишнинг ҳаракатлантирувчи омили саналади.

Адабиётлар

1. Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах». <http://lex.uz> 06.06.2018.
2. Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. канд. пед. наук. -Л.: 1976. -С.19.
3. Ayrapetyans L.R., Pulatov A.A., Isroilov Sh.X. Voleibol: Oquvqollanma. -T.: OzDJTI, 2009. 77-b.
4. Корх А.Я. Тренер: деятельность, личность: Уч. пособие. - М.: Терра-Спорт, 2000. -С.120.
5. Кузьмина Н.В. Формирование основ профессионального мастерства в высшей школе. - Л.: ЛГУ, 1973. - С. 73.
6. Ломов Б.Ф., Сурков Е.Н. Антиципация в структуре деятельности. -М.: «Наука», 1980. -С.277.
7. Решетень И.Н. Формирование профессионально-педагогических умений у студентов в процессе обучения в институте физической культуры. -М.: 1981. -С.3.

РЕЗЮМЕ

Мақолада волейбол ўй ни воситасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини шакллантириш йўллари ва усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, унда бошқа спорт турларининг бу йўналишдаги аҳамияти масалалари ҳам ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о воспитании повышения профессиональности будущих педагогов и специалистов физического воспитания посредством волейбола, а также о влиянии различных видов спорта на педагогическое мастерство.

SUMMARY

The article deals with the education of professional enhancement of future teachers and specialists of physical education by means of volleyball, as well as about the influence of various sports on pedagogical skill.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ АСОСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

П.У.Калжанов - катта ўқитувчи

А.Ж.Ережепов - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Р.П.Калжанов – 37 мактаб ўқитувчи

Таянч сўзлар: оммавий спорт, аҳоли саломатлиги, спорт тadbирлари, спорт мусобақалари, спорт инфратузилмаси, халқаро спорт мусобақалари.

Ключевые слова: массовый спорт, здоровье населения, спортивные мероприятия, спортивные соревнования, инфраструктура спорта, международные спортивные соревнования.

Key words: mass sports, public health, sport events, sport competitions, sport infrastructure, international sport competitions.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш натижасида бугунги кунда спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз байроғини кўкларга кўтариш билан бирга давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсини сарбаланд қилишда салмоқли ҳиссасини кўшмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўта муҳим вазифалар қаторида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш борасида изчил ислохотлар натижасида республикамизнинг барча ҳудудларида бунёд этилаётган замонавий спорт иншоотларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобига ўсиб келаётган ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан бандлигини таъминлашга эришиш ҳамда халқаро спорт турнирлари ва жаҳон ареналаридаги мусобақаларда совринли ўринлар қўлга киритиб келинмоқда.

2018 йилнинг 14-18 ноябрь кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида Муайтай бўйича ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Дунёнинг 36 та давлатидан ташриф буюрган 1250 нафар спортчи иштирок этган баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган 18 нафар вакилларимиз 3 та олтин 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 6-ўринни эгаллашди. Бобиржон Турумов (44 кг), Мирзабек Мирзаев (48 кг), Фируз Давлятов (58 кг) шахсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Жисмоний тарбия ва спорт мамлакат фуқаролари ҳаёти ва турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кун ёшларига кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни спорт орқали соғлом тарбиялаш юксак маънавиятли инсон қилиб тарбиялашда ҳар томонлама етук инсон бўлишга қўмаклашиш катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг ёшларимиз нафақат ҳар томонлама маълумотли ва маънавий етук, балки соғлом, чиниққан, жисмоний бақувват бўлиши ҳам керак. Бундай бўлиш учун спорт ҳаракатининг оммавийлигига эътибор бериш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёшларнинг иродавий сифатларини чиниқтириш, йигит ва қизларнинг жисмоний жиҳатдан меҳнат ва мудофаага тайёрлаш зарур бўлади.

Юртимиз аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ошириш, соғлом авлод тарбиясини такомиллаштириш масалаларини тубдан ҳал этиш истикболи буюк давлат қуришнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклла

ниши ва унинг истиклол сари дадил бориши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий маърифий соҳаларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу йўлда соғлиқни сақлаш, фан, маданият, техника, иқтисод, таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа соҳаларда чуқур ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ривожлантириш, соҳада муаммоларни бартараф этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришда туб бурилиш бўла олади десак муболаға қилмаймиз» [2].

Президентимиз томонидан Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўришга оид қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳамкорлигида иқтидорли спортчиларни саралаш ва терма жамоаларни шакллантириш, спортчиларнинг маҳаллий ва хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштирокини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди.

2018 йил 2-6 ноябрь кунлари Бухоро шаҳридаги «Хумо» спорт мажмуасида тош кўтариш спорти бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар, фахрийлар ва имконияти чекланганлар ўртасида 26-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Украина, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон каби 15 га яқин давлатларнинг 300 дан зиёд вакиллари турли вазн тоифаларида 10 дақиқа мобайнида 16, 24 ва 32 килограмми тошларни кўтариш машқларида маҳоратларини намоиш этишди.

Мусобақада энг кўп медаллар мамлакатимиз вакилларида насиб этди. Катталар ўртасида дастлабки олтин медални андижонлик Сардор Эргашев қўлга киритди, у 24 килограммми тошни даст кўтариш натижаларига қўра рақибларидан ўзиб кетди. Шунингдек, Асадбек Ўзганбоев, Баҳодир Йўлчиев, Ислонбек Ҳакимжонов, Шодилбек Эргашев, Иброҳим Назаровлар, аёллар ўртасида Мухтарама Алиева, Нигора Ўзганова, Ёдгорой Нажимова ва Гулмира Рахмонова қабилар ҳам ўзининг тенгсизлигини исботлаб, шахсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари,